



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 3 апрель, № 64 (5484)

Сешанба

## Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Тошкент

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, 2011 — 2012 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини аниқ корхоналарга бириктириш ва бандлигини таъминлаш бўйича видеоконференция ўтказилди.

### Таълим тизими ва истиқбол

Тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, республикаси олий таълим муассасалари ректорлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва таянч касб-хунар коллежлари директорлари иштирок этди.

Унда давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи асосида мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида амалга оширилаётган ижобий ишлар, жорий йилда бажарилиши кўзда тутилган режалар ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари ва жамоаси олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда).

### Наманган

Тўрақўрғонлик тадбиркор Муҳаббат Мўминова томонидан Сайрам қишлоғида маиший хизмат ва савдо мажмуаси қурилиб, ишга туширилди.

### Тадбиркор туҳфаси

Ушбу иншоотни барпо этиш учун тадбиркор 80 миллион сўмдан зиёд сармоя киритди. Айтилган пайтда 20 киши меҳнат қилаётган мажмуа таркибидан савдо дўкони ҳамда бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатаётди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Тошкент вилояти

Бўка туманида 2011 йилда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига тааллуқли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар миқдори 7,5 миллиард сўмдан ошди.

### Минитехнология самараси

Чунончи, “Лаззат Феруза файз” хусусий корхонаси ана шулардан бири. Яқинда бу ерда сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди. Лойиҳанинг рўйи учун корхонанинг ўз маблағидан ташқари, банкнинг 20 миллион сўмлик кредитидан ҳам самарали фойдаланилди.

Мухими, маҳаллий ёшларнинг 8 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Жиззах

Дўстлик туманида фаолият бошлаган “Нодира чевар” хусусий корхонасида 10 турга яқин трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

### «Нодира чевар»нинг кўркам маҳсулотлари

— Корхонамизнинг дастлабки қувватини ишга тушириб, кўрпа-тўшак ва жилдлар, аёллар либослари, махсус кийим-бошлар, турли рўзгор буюмлари тайёрлай бошладик, — дейди корхона раҳбари Нодира Мелибоева. — Тез орада пайпоқ тўқиш линиясини ҳам ишга тушириш ҳаракатидамиз.

Туманда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 7 миллиард 696 миллион сўмлик банк сармоялари йўналтирилиб, 1839 та иш ўрни яратилди.

У. АДДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Андижон

Булоқбоши туманидаги “Шаҳзодагон Саидова” фермер хўжалиги раҳбари Зокиржон Саидов кўп йиллардан бери асаларичилик билан шуғулланади.

### Бебаҳо хазина

У дастлаб 30 та болари оиласини парваришлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 200 га етди. Мана, уч йилдири, Зокиржон “Водий асали” кўрик-танловида голб-ликни эгаллаб келмоқда.

Бугун вилоятда асаларичиликка ихтисослаштирилган 75 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар томонидан 132 тонна асал етиштирилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### «Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Хоразм вилоятида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси”, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” деб номланган ёшлар акцияси ўтказилди.

### Иқтидорли, фаол, ташаббускор

Мазкур акция истеъдодли ёшларни муносиб рағбатлантириш, билим ва дунёқарашини кенгайтириш, таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишида яқиндан кўмаклашишга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Эътиборлиси, ўндан зиёд йўналишлар бўйича ташкил этилган навбатдаги тадбирда ҳам олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган юзлаб талабалар, ҳушчилар фаол қатнашди.

Даставвал тадбир доирасида “Таълим ва карьера” кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Урганч олимпия захиралари коллежи биносидан ўтказилган ушбу ярмаркада 320 та корхона ва ташкилотнинг бўш иш ўринлари таклиф қилиниб, 131 нафар йигит-қиз бўлажак меҳнат жамоалари билан шартнома имзолади.

— Кўргазмада қатнашиб, ўзим эгаллаган мутахассислик бўйича ишлаш имкониятига эга бўлдим, — дейди Урганч тадбиркорлик ва

сервис касб-хунар коллежи битирувчиси Зебо Назарова. — Тез орада аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилади-ган “Туямўйин — Урганч минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш” бошқармасида фаолиятимни бошлайман. Насиб этса, коллежда олган билимларимни амалиётда қўллаб, малакали мутахассис бўлиб етишишга, мени қўллаб-қувватлайдиган меҳнат жамоасининг ҳурмат-эътиборини қозонишга ҳаракат қиламан.

Шу кун Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалида дастурулаш, веб-дизайн ва 3D технологиялари бўйича тақдимот бўлиб ўтди. Унда замонавий технологияларга қизиқувчи ва шу соҳада эндилик фаолият бошлаган ёшлар иштирок этдилар. Бундан ташқари, университет биносида ҳорижий тиллар танлови ва “Ёшлар журналистикаси тараққиёти” мавзудаги тренинг ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

## ТОҒ БАҒРИДАГИ МАКТАБ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари энг чекка ва олис қишлоқларни ҳам қамраб олмоқда. Муҳташам мактаб ва коллежлар, намунавий тураржойлар, равон йўллар, кўркам хиёбону гузарлар ана шу обод манзиллар ҳуснига хусн қўшиб, аҳолининг замонавий қулайликлардан тўлиқ баҳраманд бўлиши учун имконият яратаяпти.

### Ислоҳот



Ургутнинг Сўфиён маҳалласи пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган. Ўтган йили бу ерда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Худудда жойлашган 2-умумтаълим мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уч қаватли ушбу муҳташам масканни бунёд этиш учун 1 миллион 283 миллион сўм сарфланди. Бинобарин, мактаб синфхоналари, компьютер синфлари, ўқув лабораториялари, спорт зали энг замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир бу ерда 1410 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кооперация – ривожланиш сари йўл

Урганч шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўқазилди. VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган 162 та корхона 350 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашди.

### Ярмарка

Ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар билан танишган киши вилоятнинг саноат салоҳияти йил сайин юксалиб бораётганига амин бўлади. Шуҳасасиз, бунда мунтазам ўтказиб келинаётган ярмарканинг аҳамияти бениҳоят катта. Чунки у хўжалиқлар ва тармоқлараро кооперация алоқаларини кучайтириш,

қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги ҳамкорлар топишда муҳим омилига айланади.

Ярмаркада Маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрлаш йўлга қўйилган 26 турдаги саноат маҳсулотлари намойиш қилинди. Қурилиш, автомобилсозлик ва бошқа соҳалар учун зарур бўлган ушбу маҳсулотларни

кичик бизнес субъектлари таклиф этаётгани, айниқса, қувонарлидир.

— Бизнинг корхонамиз электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, айтилган пайтда харидорларга 25 турдаги маҳсулотларимизни етказиб бераёلمиз, — дейди Урганч шаҳридаги “Al-beyazim elektrik” корхонаси раҳбари Олланазар Бекчанов. — Ярмаркада бу йил ҳам қатнашиб, янги ҳамкорлар топишга, умумий қиймати 1 миллиард сўмликдан зиёд 11 шартнома имзолашга муваффақ бўлдик.

(Давоми 2-бетда).

## Саноатимиз салоҳияти ошмоқда

2012 йилда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

8,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари тўғрисида, мазкур соҳанинг локомотивига айланган машинасозлик ҳамда автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари, фармацевтика ва мебелсозлик саноатида барқарор ривожланиш кузатилиб, юқори ўсишга эришилиши мўлжалланапти.

Бир рақам шарҳи

### Хушхабар

Жорий йил Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — XXX ёзги Олимпиада уйинлари ўтказилишидан яхши хабардорсиз.

### Полвонларимиз олти йўлланма соҳиб

Сайёрамизнинг энг кучли атлетлари жам бўладиган мазкур спорт анжуманида энг иқтидорли спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Мусобақа бошланиши яқинлашаётгани сари унда қатнашадиган ҳамюртларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда Остона шаҳрида ташкил этилган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё олимпия саралаш турнирида ўзбекистонлик спортчилар томонидан олти йўлланма кўлга киритилгани бунга ёрдам берди. Қитъанинг 22 давлатидан келган 160 нафардан зиёд энг сара полвонлар баҳс олиб борган ушбу беллашува эркин курашчиларимиздан Артур Таймазов, Ихтиёр Наврўзов, Рашид Курбонов, Курбон Курбонов ва Заурбек Соҳиев, юнон-рум кураши бўйича Мўминжон Абдуллаев Олимпиада уйинлари йўлланмаларига эга бўлдилар. Эътиборли жиҳати, юртдошларимиз мусобақада иштирок этган давлатлар орасида йўлланмаларни кўлга киритиш борасида энг юқори кўрсаткични қайд этдилар.

Таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик спортчиларда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Олимпиада йўлланмаларига эга бўлиш имконияти ҳали бор. 27-29 апрель кунлари Хитой ва 4-6 май кунлари Финляндияда уюштирилган мусобақаларда ҳам йўлланмалар учун қизгин баҳслар бўлиб ўтди.

Ҳазратдин АБИЛОВ.



**АКАДЕМИК  
АНАТОЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ  
КИРШИН**



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудодликка учради. Геология, нефть ва газ конлари соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Анатолий Васильевич Киршин 75 ёшида вафот этди.

А. Киршин 1937 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1960 йили Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат

техника университети)ни битириб, Шимолий Фарғона геофизика экспедициясида муҳандис-геофизик бўлиб ишлади, кейинчалик Олой геология-қидирув гуруҳида геофизик сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. 1964 йилдан бошлаб илмий-педагогик фаолият билан шуғулланди. У 1970 йили номзодлик, 1983 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 2000 йилда эса академиги этиб сайланди.

Ўзининг 50 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида А. Киршин Нефть ва газ конлари геологияси ва қидириш институтининг катта илмий ходими, бўлим раҳбари, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари каби лавозимларда муваффақиятли фаолият кўрсатди. 1992 йилдан умрининг охирига қадар маъмурият институтининг геофизика лабораториясига раҳбарлик қилди ва геология илм-фанини ривожлантириш ҳамда илмий геолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Унинг ишланмалари нефть, газ ва конденсатнинг истиқболли ресурсларини баҳолаш услубларини ривожлантиришда янги илмий йўналишни бошлаб берди. Хусусан, нефть ва газнинг пайдо бўлиши, кўчиши, уларнинг саноат конларини шакллантириш, шунингдек, юртимизда нефть ҳамда газга бой палеозой қатламлари истиқболли баҳолаш каби назарий ва амалий масалаларга бағишланган 300 дан ортиқ мақоласи, 3 та монографияси илмий жамоатчиликка яхши маълум.

А. Киршин захматкаш олим ва жонқуяр устоз сифатида малакали геологлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ фан номзоди ва фан доктори тайёрланди. Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Анатолий Васильевич Киршиннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Ш. МИРЗИЕВ, Ҳ. МУҲИДИНОВ, Ш. СОЛИХОВ**

**Бугунги кунда ҳаёти-мизни табиий газ ёқил-гисисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки у нафақат аҳоли турмуши яхшила-нишига, балки ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқлари ривожига ҳам хизмат қилади. Шу боис ҳар бир истеъмол-чининг ундан оқилона фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.**



**«Тошкентшаҳаргаз»:**

**ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ —  
ЮТУҚЛАР МЕЗОНИ**

Маълумки, аҳоли хона-донлари, корхона ва таш-кентлар ҳамда бошқа му-ассасаларга табиий газ-нинг узлуқсиз етказиб бе-рилиши, таъминотчи кор-хоналар, жумладан, «Тошкентшаҳаргаз» кор-хона-

радаги ишларни режали ва бекаму кўст амалга оши-риш белгилаб олинди. Юқори ва ўрта босимли газ тартибланиш пунктларини техник тафтиш қилиш, ер ости қувурларини тек-шириш, юқори ва ўрта бо-

зулфинлар бўёқланиб, уларнинг аксарияти техник тафтишдан ўтказилди ва таъмирланди. Натижада ўтган мавсумда аҳоли ва бошқа турдаги истеъмолчи-ларнинг табиий газ билан таъминлинишида узилиш-ларга йўл қўйилмади.

— «Тошкентшаҳаргаз» филиали ва унинг туманлардаги фойдала-ниш хизматлари томо-нидан истеъмолчиларни узлуқсиз табиий газ билан таъминлашга жиддий эътибор қарати-лмоқда, — дейди кор-хона раҳбари Тимур Грабович. — Шу билан бирга, истеъмолчиларга янада қулайлик яратиш ва уларнинг тўловларни ўз вақтида амалга оши-ришлари учун соҳага тезкор электрон тўлов-лар тизими ҳам жорий этилди. Айни пайтда ўн-та туманда ушбу тур-даги электрон тўловлар йўлга қўйилди.



наси зиммасидаги масъу-лиятли вазирадир. Чунон-чи, Президентимизнинг 2011 йил 11 июлдаги «Рес-публика иқтисодиёти тар-моқларини 2011/2012 йил-лар куз-қиш даврида бар-қарор ишлашга тайёрла-ниш таъминлаш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу бо-

симли ер ости қувурлари-ни синовдан ўтказиш, уларни таъмирлаш, бўёқ-лаш сифатли тарзда бажа-рилди. Бундан ташқари, кор-хона тасарруфидоғи туман газ идоралари томонидан ўн дона ўрта босимли ГТПлар янгиланди. Мавжуд ер ости қувурлари ва худудлардаги

— «Тошкентшаҳаргаз» филиали ва унинг туманлардаги фойдала-ниш хизматлари томо-нидан истеъмолчиларни узлуқсиз табиий газ билан таъминлашга жиддий эътибор қарати-лмоқда, — дейди кор-хона раҳбари Тимур Грабович. — Шу билан бирга, истеъмолчиларга янада қулайлик яратиш ва уларнинг тўловларни ўз вақтида амалга оши-ришлари учун соҳага тезкор электрон тўлов-лар тизими ҳам жорий этилди. Айни пайтда ўн-та туманда ушбу тур-даги электрон тўловлар йўлга қўйилди. Айтиш лозимки, яратила-ётган қулайликларга қара-май, айрим истеъмолчилар фойдаланилган газ учун ҳақ тўлашни пайсалга солиш-лари кишини ташвишлантира-ди. Ваҳоланки, табиий газ узлуқсизлигини таъминлаш-да ўз вақтида тўлов амалга оширилиши муҳим аҳа-миятга эга. Бунга ҳар бири-миз амал қилсак, айни му-дао бўлар эди...

**Усмон УСМОНОВ тайёрлади.**

**● Реклама ва эълонлар ●**

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар 10 фоиш арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилади:**

1. Денов тумани СИБ томонидан, 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» КФЙ, К. Хандалов маҳалласида жойлашган, майдони — 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номи билан олган боғчаси.  
**Бошланғич баҳоси — 599 662 440 сўм.**

2. Денов тумани СИБ томонидан, 2010 йил 11 майдаги 2-126-10-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Самарқанд кўчаси, 85-уй ва 87-уй манзилида жойлашган, майдони 1736,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли, жами 50 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган бошланган яшаш уйи бино-иншоотлари.  
**Бошланғич баҳоси — 369 494 309 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 23 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 20 апрель кuni соат 18.00.

Шунингдек, 2012 йил 11 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Термиз шаҳар СИБ томонидан, 2011 йил 15 августдаги 1-1394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчасида жойлашган, майдони 47,40 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат, А-литердаги савдо дўкони.  
**Бошланғич баҳоси — 40 500 000 сўм.**

2. Термиз шаҳар СИБ томонидан, 2011 йил 15 августдаги 1-1394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шожўчаси, Термиз марказий бозори биносининг 3-қаватида жойлашган, майдони 22,10 кв.м., 1 хонадан иборат, А-литердаги 34-сонли савдо дўкони.  
**Бошланғич баҳоси — 22 000 000 сўм.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 8 май кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоишдан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг АТБ «Савдогар» банки Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 1265,52 кв.м., қурилиш ости майдони 320,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган қарвахона биноси 10 фоиш арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 401 769 927 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 2 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Самарқанд вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 1265,52 кв.м., қурилиш ости майдони 320,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган қарвахона биноси 10 фоиш арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 401 769 927 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 2 май кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА УСКУНАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТЛИ ТАЪМИНОТЧИСИ**

Жанубий Корея сармоясига иштирокида ташкил этилган «Road International Central Asia» МЧЖ қуйидаги қурилиш техникалари ва бошқа турдаги ускуналарни таклиф қилади:



- экскаваторлар ва юкловчи экскаваторлар
- санчки мосламали автоюкловчилар
- самосваллар, ёқилги ташувчи ва автокранлар
- бетономиксерлар ва автобетононасослар
- метан газ тўлдириш шохобчалари
- автомобиллар учун метан газ ускуналари
- қуёш энергияси элементлари
- дизель, бензин ёнилғиси ва газда ишловчи генераторлар

муқим ва кўчма шаклдаги

- асфальт тайёрлаш заводи
- тош майдалаш ва кум ишлаб чиқариш заводи (100 - 600 т/соат)

**БҲЮРТМА БҲЙИЧА ИШЛАЙМИЗ.**

Мижозларимиз учун молиявий масалаларда қулай шартларни таклиф қиламиз.

**Вакولاتхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй, «Germileva» биноси. Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.**

**Тел./факс: (+99871) 140-10-91, 140-10-92. Масъул шахс — Дилмурод Ҳайдуллоев. Электрон почта: rico2008@mail.ru Веб-манзил: www.rico21.com**

**Мы увеличим ваши сбережения**

КСБ предлагает вам выгодно разместить свободные средства в банковские депозиты и получить процентное вознаграждение



**Депозиты** 140 12 00 | www.csb.uz 140 50 05 | info@csb.uz

